

Китобни севадиган бир оиласда тугилдим ва эсимни таниганимдан бери адабиётга меҳр кўйганлар куршовидаман. Раҳматли ота-онам качон бўш колишса, кўлларидан китоб, газит ё жўрнол тушмасди. Шу манзараларни кўриб катта бўлдим. Айникса кичик опам Нозирахон китоб жинниси эдилар. Ёш болалигимда неча марта ўзим гувоҳ бўлганман: катталар опамга: “Бор, козон (ё кумгон) тагига ўт калаб кўй”, дейишса, тутантариқка кўйилган когоздаги ёзувларни ўкиб тугатмагунларича гугурт чакмасдилар. У когоz кўп бўлса, кўраверинг. Ичкарида биз, чой качон кайнар экан, деб кутиб ўтираверардик. Кўлимга илк калам тутказган хам шу опам бўладилар. Мактаб ёшига етгунимча канчадан-канча дафтарни ёзувга тўлдириб ташлаганман. Аямнинг ўзларига хос эртаклари бўларди. Айникса раҳматли дадам хикоя айтишга уста эдилар. Узун киш кечалари сандалда ўтириб кўракчувирдик. Эрталабгача “сичконча”ларни сандалнинг кўрпаси тагида иситиб, сал пахмоклаштириб топширишимиз лозим эди. Кечки овкатдан кейин чувишга тушардик. Дадам раҳматли хикоя айта бошлардилар, биз болалар мирикиб тинглаб, анча-мунча кўрак чувиб кўйганимизни билмай колардик. Дадам гапираверардилар, биз эшитаверардик. Улар хаммаси роса кизикарли эди ва мен ўзимни ўша эртаклар ичиди хис этворардим. Болаларча саволларни калаштириб ташлардим. Кейинчалик билсам, кўп хикоялари динимиз тарихидан бўларкан. Аммо у пайтлар дадам буни билдиримасдилар. Совет даврида буни айтиб хам бўлмасди-да. Биз совет ўқтабирчилари ёки пионерлари эдик, билмасдан кўча-кўйда, мактабда оғзимиздан гуллаб кўйсак, “Ёш совет боласини эскилик саркити руҳида тарбияляяпти”, деган айб билан дадажонимизнинг бошларига тўқмоклар тушиши мумкин экан. Энди ўйлаб карасам, шунинг эхтиётини килиб, манбайнин айтмасдан хам вазифаларини аъло даражада бажариб кетибдилар. “Минг бир кеча”ни “Алфи лайло” дердилар. “Лайло”ни биронта аёл кишининг оти бўлса керак, деб ўйлардим. Кейин билсам, “кеча” дегани экан... Булар бари кўшилиб менда адабиётга хавас уйгонишига сабаб бўлгандир балки, аммо хавас она аллаларидан ё болаликда эшитилган эртагу хикоялардангина тугилмайди, деб ўйлайман. Чунки аллани хам, эртагу хикояларни хам деярли хамма бола эшитади, лекин кимдир адабиётчи бўлади, кимдир меъмор, кимдир учувчи бўлади.

Демак, биз билмаган, биз ўзимиз хал эта олмайдиган, бўлиши бизнинг иродаларимизга boglik бўлмаган холатлар хам бор. Яъни, она корнидаёк битиб кўйиладиган такдирнинг улушкини унутмайлик хеч качон, демокчиман.

Энди илк ёзган хикоямга келсак. Илк ёзганим сакланиб колмаган. Мавзууни хам эсламайман. Лекин илк эълон этилганининг ёзилиш тарихи хам, босилиш тарихи хам тафсилотлари билан эсимда. Ўзимча пишди деб ўйлаган хикоямни раҳматли Шукур Холмирзаевга кўтариб олиб борганман ва у кишидан жуда илик фикрлар эшитганман. Ёкармикан, нима деркинлар, деб хаяжонда борган бир гўр талаба Шукур акадай хикоя устаси оғзидан: “Хикоянгиз ёқди, “Шарқ юлдузи”нинг келгуси сонларидан бирига тайёрлаб кўйдим”, деган хушхабарни эшитса, ўзини кандай хис этади! Ўша дамдаги кувончларимни эсласам, хозир хам айрича хузур туяман... “Ютук” деб номланган ушбу хикоям такдир такозоси билан “Шарқ юлдузи”да эмас, 1982 йили янги ташкил этилган “Ёшлик” журналининг илк сонларида машхур ёзувчи Ўткир Хошимов “Ок йўл”и билан чиккан. Бу ходиса том маънода менинг ютугим эди!

Китоб шаклида эса, олдинига хикояларим “Йўл бошида” тўпламига киритилди, ундан кейин мустакил “Дунё кенг...” хикоялар тўпламим чоп бўлди, ундан хам кейинрок кисса

ва хикоядан иборат “Шу ерлик киши” номида китобим чиқди. Бирон-бир асарингизнинг маъкул топилиб матбуотда чикиши ўзи бир олам кувонч, энди у китоб бўлиб чикса, у ёгини хар ким ўзи тасаввур килаверсин! Айникса, совет даврида – минг хил чигирикларни ёнгиб ўтишга тўғри келадиган, хар маънодаги талабчанлик каттик бўлган бир даврда, юпкагина китобини кўлида ушлаш бошловчи хар бир ёзувчига чексиз сурурлар бахш этар эди! Унинг устига, ёзганларингизни одамлар ўқиса, сиз хакингизда, асарларингиз хакида у ер-бу ерларда гапирилса!..

Кейинрок “Ок бино окшомлари” хикоям асосида киносенарий ёздим, режиссёр Хотам Файзиев суратга олди, халигача телевизорда кўрсатиб турилади. Бу соҳада озгина тажриба орттирганимдан сўнг Алишер Навоийнинг мен жуда-жуда севадиган “Лайли ва Мажнун” достони асосида кинокисса килдим, афсус, советнинг охирги паллалари пул кадри кундан-кун бузилиб, охири суратга олинмай колиб кетди. Хазратнинг яхлит тугилган саналари боис 1991 йили 2-сон “Шарқ юлдузи” журналида чоп бўлди. Шунисига хам шукр...

“Ёшлик” журнали ташкил бўлган йили мен Сурхондарё вилоятининг чекка бир чўл кишлогида, ўқитувчи етишмайдиган тўликсиз бир ўрта мактабида саккизта фандан дарс берадиган бир “маълим” эдим. Тошкентдалигимда бир-иккита машкларим билан таниш бўлган Эркин Аъзам тахририятга ишга чакирди. Лекин мен хеч бўлмаса бир ўкув йилини тугатиб кўяй деб мактабдан кетмадим. Журналнинг иккинчи сонида чоп этилган биринчи (“Ютук”) хикоямни хам ўша пайтдаги Ленин йўли районининг Араб кишлогида кутиб олганман.

Кишлок одамлари содда, самимий эди. Бир-икки ой ишлаганимдан кейин кексалардан айримлари: “Калай, бизнинг Ўзбекистон ёқдими, ўрганиб кетдингизми?” деб сўрашган. Рости, сал довдираб: “Нима, мен Ўзбекистондан бўлмай, ойдан келибманми?” дедим. Шунда улар кулиб: “Сиз фаргоначисиз-ку”, деб жавоб килишган. Аммо болаларининг “маълим”ини каттик хурмат килишарди, мен хам уларни яхши кўриб колдим. Халигача борди-келдимиз бор, Оллохга шукр...

Бу айтилганлар кўпроқ шахсимга тегишли икир-чикирлар, бошкаларга унча кизиги бўлмаса, узр сўрайман. Аслида адабиёт хакида гаплашмокчи эдик.

Мени таниган, мени ёзувчи сифатида унумтмаган, мендан нималардир янги асарлар кутиб юрган танишларимга, дўстларимга тахририят берган бу фурсат ва имкониятдан фойдаланиб баъзи нарсаларни билдиргим келди.

Икки-учта китоб ёзиб, унча-мунча давраларда номим хам чикиб, ўзимга, кучимга, кобилиятимга хархолда маълум маънода ишонч хосил килиб олганимдан кейин менда галати бир холат юзага келди. Кетма-кет ёзиб, у ер бу-ерда кўриниб туриш, тобора ном козониш, юксакликларга интилиш... каби истаклар буткул йўколди. Ёзмай кўйдим. Ёзгим келмай колди. Эшитган кулокка галати туюлар, аммо бу йиллар ичida, айникса, эндиғина ёзмай кўйган йилларим мавзулари, тўқис воқеалари, аник образлари билан, бошланишию тугашларигача тайёр холда не-не хикоя, кисса ва роман режалари хаёлимга келди.

Кўнглим сезарди: агар уларни ёзсан, хархолда кизикарли бир нарсалар бўлиши, хатто яхширок нарсалар чикиши хам мумкин эди. Лекин мен кайсарлик килиб туриб олдим, келганини елкамнинг оркасига ташлайвердим, ёзмадим. Кўнглим нимадир бошка нарса тусар эди. У нарсанинг нималигини у пайтлар ўзим тўла тасаввур этмас, кандай юзага чикириш йўлларини хам билмас эдим. Тўксонинчи йилларнинг яримларида “Ватан” газетасининг “Нимага ёзмай кўйдингиз?” деган саволига “Мен хозир ўзимни онадан кайта тугилгандай хис этяпман. Ўсай, вояга етай, ўкиб-ўрганай, ана ундан кейин, насиб

этса, кўлимга кайтадан калам оларман”, деганга ўхшаш жавоб берганим эсимда. Ўзимча эса: “Оллоҳ кўлимдан вактинчага каламимни олди, албатта бу нарса хикматсиз эмас, бир куни лозим топганида каламимни кайтарар”, деб овунардим. Лекин бекор юрмадим: Оллоҳ менга хар бири ўнта-ўнта романга татигулик олти фарзанд, хозирча тўрт набира берди – шулар менинг энг яхши асарларим деб хам юпанаман...

Мана, хозир ўша ёзмай кўйган пайтимни хисоблаб кўрсам, якин ўн саккиз йилча бўпкотти. Онадан кайта тугилган такдиримда хам, хозир ўн саккиз ёшга кирган бўламан. Хархолда ўн саккиз юракда турли-туман хаваслар уйгонадиган ёш. Шу боисми, якинлардан бери ичимда бирнималар гимиirlаб колган. Энди хакикий тўлгокни кутяпман. Унгача, кўлим ёзишдан чикиб кетмадимикан, деган хадикда ва умидда битта-иккита хикоя ёзган эдим, биттасини “Тафаккур” (“Чилла”, 2009, 3-сон), иккинчисини “Шарқ юлдузи” (“Этакдаги кулба”, 2010, 1-сон) журналлари босиб, менга далда беришди.

Ўкиганлар хам илик кабул этганлари кўнглимни кўтарди.

Нима демокчиман?

Хаётга, одамларга карашларим буткул янгиланди. Бундан келиб чиккан холда адабиёт тўгрисидаги фикрларимда хам ўзгаришлар юз берди. Кўнглим бошка нарсаларни тусаб, бошкacha ёндашувларни истаб колди. Кейинги асрларда адабиётимиз тобора ўзининг асл вазифасини унутаётгандай, ўзи билмаган-сезмаган холда аста-секин бегона ўзанларга тушиб, энди хатто ўзининг кадрдон ўзанини йўкотгандай таассурот колдиради менда. Балки камчилик менинг ўзимдадир, лекин адабиётнинг бунака холатидан коникмай колганим чин. Адабиётнинг бош мавзулари бўлмиш Одам, Хаёт, Ўлимнинг хакикатини билмасдан, хис этмасдан туриб килинган ишлар, ёзилган асарларнинг киммати узокка бормаслигига ишонч хосил килдим. Хаёлимда биз майда нарсалар орасида, кераксиз гоялар теварагида ўралашиб юргандаймиз. Хакикий адабиётнинг даражаси олий бўлади, олдига олижаноб максадларни кўяди, жамиятни олижаноб руҳда тарбиялади. Унинг вазифаси саёз, тубан хаётни хам “бор бўйича” тасвираш эмас. Неча йиллар давомида “бор бўйича” тасвирашга ўрганиб колиб, карашларимиз анча ўтмаслашиб, фикрларимиз саёзлашиб колгандай. Масалан, бугун биз одамни, дарахтни, воеа-ходисани, яъни, оламнинг ташини кўрамиз, кўраётганимиздай тасвиrlай хам оламиз, лекин ичини кўрмаймиз ёки ичига киргимиз келмайди. Сабабларни кўрамиз, тахлил киламиз, аммо сабабларнинг Сабабчисини кўрмаймиз ёки ўзимизни кўрмаганга соламиз. Хаётнинг кўриниб турган томони хамиша хам асли бўлавермайди, алдамчи бўлиши хам мумкин, алдамчи дунёга бoggаниб колиш ва шундан бошкасини кўрмаслик юзаларда ўралашиб колишга олиб келади. Хали эсларимиздан чикмагандир, ота-боболаримиз – бутун оламга маънавиятдан дарс берган ўтмишдошларимиз бу дунёни “ёлгон”, “беш кунлик” деб билишар эди ва балки шунинг учун уларнинг асарлари хамон яшаяпти ва яна яшайверади. Чунки аслини таниган одамнинг фикрлари теран, гоялари тоза ва узок умрли бўлади.

Шоҳ Машраб (у кишига Оллоҳнинг раҳматлари ёғилсин) бир шеърида: “Дунёга кўнгул берса киши, бўлгуси расво, Бу фоний жаҳон мулкига шатто уруб ўттум” деса, бошка бир шеърида шу фикрига хамоҳанг равишда: “Дунё ясаниб, жилва килиб олдима келди, Боргил нари, деб кетига бир шатталаб ўттум”, деган.

Бу дунёning чин юзини таниганлар унинг чин баҳосини хам бера олади. Тўгри англаш керак, Машраб бу сатрларида дунёни дунё ўларок инкор этмаяпти, – зотан ўзи хам шу дунёда яшаб, дунёning неъматларидан баҳраманд бўлиб ўтган, – балки дунёning чин юзи билан алдамчи юзини ажратиб олишга ва бу алдамчи дунёning инсонларни тўгри

йўллардан чалгитувчи ёлгон жилваларига учмасликка, унинг кетидан кувмасликка чакирияти биларни. Чор-совет истилоси даврида узок йиллик мафкуравий ишловлар натижасида дунёга карашларимиз хам ўзгариб кетди: чинини ёлгон, ёлгонини чин дейдиган бўлиб колдик. Бугун давлат мустакиллигини кўлга киритганимиз билан хали маънавиятимиз, дунёкарашларимиз тўла мустакил бўлиб улгурганича йўк. Бугун хатто хозир мен айтиётган шу кичкина, оддий фикрларни кўтара оладиган даражада хам мустакил бўла олганимиз йўк. Ўзликка кайтиш кўчасининг бошида турибмиз хали-хозирча. Кўча бошида хам холат хар хил: айримлар чин юракдан ўзликка кайтмокчи; бошка айримлар эса, ўзлик уларнинг хозирги холатларини инкор этишини билганларидан, кайтайликми-йўкми деган иккиланишда туришибди; учинчи бир айримлар хам бор, улар ўзликка буткул кайтмокчи эмаслар, улар ўзликни инкор этувчилардир, уларнинг юраклари ўзгариб колган, аммо мафкурада уларнинг таъсири хали хам катта. Бугуннинг катта зиддиятларидан бири шу.

Жамиятимизнинг бу холати адабиёт деб аталмиш соҳага хам каттик таъсир этяпти. Бу йўлсизликлар, бу иккиланишлар масала кўйиш ва ёчишда, мавзу ва қаҳрамон танлашда, ёзиш услубларида ва хатто тилда очик билиниб турибди. Биз хатто нималар килаётганимизни хам, килаётгандаримиз миллатимизга кераклими-кераксизми эканини хам ажратолмайдиган даражага тушиб колгандекмиз назаримда. Мудом ўзликка кайтишга бел болаган эканмиз, бу зорманда ўзлик ўзи нима эканини ажратиб олмасак, яна хар хил йўлларга улокиб кетишимиз хеч гап эмас.

Мен “ўзлик” деганда миллий ўзига хосликнига назарда тутмаяпман. Албатта, асрлар давомида шаклланган миллий ўзига хослик хам дунёни чиройли ва ранг-баранг килиб турадиган ижобий ходисадир, бундай ўзлик инкор этилмайди, балки кўллаб-кувватланади. Аммо энг биринчи галда ўзлик Одам зоти ўзининг кимлигини билиши, ўзини танишидир. Яъни: мен кимман – ўзидан-ўзи пайдо бўлиб колган, кийматсиз, тасодифий бир нарсаманни ёки яратилишимдан кўзланган олий максадлар туфайли юксак даражада киймат берилган бир олий яралмишманми?! Хаёт нима – бугун бор, эртага йўк бўладиган кийматсиз, мазмунсиз бир вакт тушунчасими ёки эртага хам давом этадиган абадий хаётнинг бошлангич палласими?! Ўлим нима – тасодифий келишнинг мукаррар якуни бўлмиш абадий йўкликми ёки вактинчалик хаётдан абадий борликка, абадий хаётга ўтиш холатими?!

Буларни хар ким, энг биринчи галда зиёлилар, ёзувчи-шоирлар, илм ахли ўзлари учун аник ажратиб олишлари лозим. Акс холда, чин билан ёлгон орасида аросатда колиб кетилиши тайин. Аросатдаги дунёкараш билан канака адабиёт яралади? Ва бундай “адабиёт” канака юракларни тарбиялайди, кишилик жамиятига нима беради, уни канака йўлларга бошлайди?

Кўп “асар”лардан коникмай кўйганимнинг сабабларидан каттаси шу. Лекин коникмаслик бошка, одамларни тўгри йўлда кониктирадиган асрлар ёзиш бошка. Бу йўлда Оллоҳдан ёрдам сўрайман, доим тўгриликни кўрсатиб турувчи акл-фаросат, чиройли нарсаларни чиройли ифодаловчи бадиий кобилият ва зехнийт, кучли калам ва улкан тўзим берсин хаммамизга.

Хозирда бор адабиёт айрим кирралари илиа кўнгилларни тўла кониктирмаётган бўлса, ўрни нима билан тўлади? Эҳтиёжлар ичida энг кучлиси маънавий эҳтиёждир. У вактида ва тўгри кондирилмаса, тузалмас хатога йўл кўйилади – яхшиликка номзод киши ёмонликка бой берилади. Оллоҳга шукр, адабиётимиз бугундангина иборат эмас. Жуда катта маънавий мерос эгаларимиз биз. То ўзимиз тўгри йўлларга тушиб олгунимизча

тўгри йўлда юрган ва тўгрилиги асрлар ичра исботланган адабиётимиз бизга ёрдамга келади. Адашмаслик учун ўшаларни махкам ушлаб, асосий маънавий тиргагимиз бўлмиш Куръон ва суннат асосида шаклланган адабиётимиз ва кадриятларимиз доирасида озикланиб туришимиз керак.

Буни мумтоз адабиёт дейилади ва у бекорга “мумтоз” дейилмайди! (“Ўткан кунлар”дан бу ёгида мумтозликка даъвогар асарлар борми? Бордир балки, лекин одам ўйланиб коларкан...)

Лекин ўзликдан узилган, жуда унчалик узилиб кетмаган бўлса хам, хархолда узилишга якин колганларга мумтоз адабиётни тушуниш, англаш кийин туюлади. Тўгрироги, зехнларга “уларни тушуниш кийин” деган тушунча сингиб колгани тушуниш йўлига асосий тўсиқдир. Яъни, етарли даражада тушунилмаётганига матнларнинг оғирлиги эмас сабаб, балки “тушуниш оғир” деган тушунча у адабиётни биздан айириб турибди. Аслида уларни тушуниш жуда осон, факат кичкинагина битта шарти – ўзликка кайтиш, фикрда ва руҳда кайтадан уларга ковушиш лозим. Яъни, тил бир бўлгани билан руҳ бошка бўлса, албатта тушунилмайди-да. Бошкача айтганда, мумтоз адабиётни тушуниш учун мумтоз адабиётга махрам бўлиш керак. Ўхшатиш жоиз бўлса, мумтоз адабиётимиз бор чиройини номахрамлардан яширган гўзал аёл кабидир. Сукланиб караган одам нари борса бу аёлнинг ёпинчигини кўради. Ўранган аёл хеч качон номахрамга бор чиройини, гўзаллигини кўрсатмайди, уни факат махрамигина кўра олади, у бутун гўзаллигини факат махрамигагина очади. Шу маънода, махрам бўлмай туриб мумтоз (тасаввуф) адабиётимизни тушунтирумокчи бўлаётганларга хайрон коламан. Шунча чиройли сўзлар, шунча тиришишлар хаммаси бекор, увол кўринади менга. Уни тушунаётганга ўхшашади, хатто бошкаларга хам тушунтирумокчи бўлишади, аслида, хакикатига ета олишмайди, чунки “...шунослар”нинг кўпи унга номахрамдирлар. Ичидаги одам бўлиб эмас, ташда туриб англамокчи бўлишади. Худди музей таништирувчиси ойна тагидаги гўзалликни ташкарида туриб таърифлагани каби, дахлизда туриб ичкарини таърифламокчи бўлишади. Бунда албатта хакикат очилмайди-да. Чунки таърифчи ичкарини минг завку шавк билан тасвирламасин, ташкаридаги одам нарсанинг ич юзини – аслини эмас, таш кўринишини – шаклинингина тасаввур эта олади, холос.

Каёкларга ўтлаб кетдим? Йўк, ўтламадим чоги. Хамон бир гап теварагида – нега ёзмай кўйдим, нимани ва кандай ёзиш керак, деган савол теграсида айланяпман, шекилли. Ўкувчилар хато англамасинлар, сўзларимда хозирги адабиётнинг мутлак инкори хам, факат мумтоз адабиёт каби ёзишга чакирик хам йўк. Чунки хаёт конунига кўра, оркага кайтилмайди, факат олдга юрилади, ўсаётган дaraohт каби юксакка интилинилади. Бу ерда гап соглом тупрокдан озикланиб, тоза сувдан ичиб юксалиш хакида кетяпти, холос. Ўрни келиб колди, мавзуга тегишли бўлгани учун, кейинги йилларда адабий давраларда тез-тез кузатилаётган бир тортишув хакида хам мулохазаларимни билдириб ўтсам. Гап “модерн адабиёти” номида кириб келган бир тушунча хакида. Илк айтмокчи бўлганим: “модерн” сўзининг хеч хам сирлилик жойи йўк, “янги” маъносини берувчи оддий сўздир у. Агар гарб охирги юзийилликда адабиёт оламида кўринган ўзгачаликларни “модерн адабиёти” деб номлаган бўлса, бу ўзларининг тилида ва тушунчаларида “янги адабиёт” деганидир, холос. Бунинг одатдан ташкари хеч канака сири хам, юки хам йўк. Чунки шаклда хам, мазмунда хам у бирон-бир назарий коида, колип ё ажралиб турувчи усуулларга асосланмайди. Яъни, ёзилиши олдингиларга ва бошкаларникига ўхшамаган хар кандай асар янгидир, янгичадир. Бу маънода хар кандай янгиликка йўл кенг очик, буни бирор кораламайди. Аксинча, тажрибада синалиб, халкка ёкиб, адабиёт уйидан

ўзига муносиб бир токчани топиб ўрнашса, кандини урсин. Тортишув бу ном устида бўлмаслиги керак, балки у янги адабиёт бизга нимани ва кандай беряпти – шу хакда кечиши лозим. Янгилиги курук шаклида ёки бошқачароклиги факат тушунарсизлигига бўлса, унинг нимаси “модерн”? Ўтган аср бошлари ўзбек адабиёти деярли хар куни янгиланиб турди. Масалан, “Ўткан кунлар” романи нечогли энг янги (“модерн”) асар бўлса, у билан деярли оркама-кетин ёзилган “Сароб” романи энди ундан хам “модерн”лашган эди. Чўлпон шеърлари модерн эди, Рауф Парфи шеърлари ундан хам модерн. Ва хоказо. Яъни, бу сўзга сирлилик юкламасдан, оддий кўз билан боксангиз хам, адабиёт хар куни янгиланиб турадиган ходиса эканини кўрасиз. Лекин бу гап гарб адабиётига таклидан “модерн”лашмокчи бўлаётгандарга ё тушунарсиздир, ё, тушунарли бўлган такдирда хам, ёкмайди. Чунки бунда улар ўзларига юклаётган ва бор килиб кўрсатаётган сирлилик йўколади.

Биз бир нарсани аник билиб олайлик: янгилик (модерн) гарбда факат адабиётга хос бўлиб дунёга келмаган, аксинча, у энг олдин фикрда (фалсафада) кўринди. Гапнинг лўндасини айтадиган бўлсак, дунёни тушунишда диннинг тушунтиришидан нечогли узоклашиши ва кочиши даражасига караб ўзига турли ном ва “...изм”лар кўйиб олган фикрий-фалсафий йўналишлар киёфасида юзага келди. Шу фикрлар асосида кейинрок турли адабий окимлар хам ўртага чиқди. Афсус, бир неча ўн йилдан бери бизда “модерн адабиёт” хакида гап бўлади, лекин бу тушунча остида нима ётибди, у каерда ва кандай шарт-шароитлар натижасида пайдо бўлди – бу хакда хартомонлама асосли (фундаментал), илмий тадқикот йўк, уни яратишга (ўрганишга) жиддий харакат хам сезилмаяпти. Натижада ким нимани хохласа “модерн” деб атаяпти, ўкувчиларнинг фикрини чалгитяпти.

Гарбда бундай “...изм” ва окимлар кўпинча йўлсизликдан, чорасизликдан, тушкунликдан, ўлчовсизликдан, норозиликдан ва, нихоят, зерикишдан юзага келган – буни ўша гарб тадқикотчиларининг ўзлари хам кайд этишган. Бу чиройли никоб остида айрим холларда асар тагига инсон фитратига терс гоялар хам сингдириб юборилган бўлади, уни одам бирданига сезмай хам колади, фикрлаш тарзи янгига ўхшаб туюлгани учун ихтиёrsиз равишда эргашиб кетиб колиши хам мумкин. Эҳтиёт бўлинадиган нукта худди мана шу ерда. Нимадан эҳтиёт бўлишни билиш учун эса, сал тепарокда айтганимиздек, синчи адабиётшунос-мутафаккир олимларимиз гарбда пайдо бўлган бу ходисани таги-туги билан ўрганишлари ва сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб беришлари лозим. То биз ходисанинг шаклинигина эмас, маъносини хам билайлик, сарагини олиб, пучагини ахлат пакирга иткитайлик. Шунда хатар кам бўлади.

Лекин ўзлик асло бошкалардан узилиб олиш дегани эмас. Кишилар ва миллатлар бир-бири билан доимо алока килиб турганимиздек, ўзаро адабий алоказалар ва бир-бирининг адабий тажрибаларидан ўрганишлар хам бўлиб туради. Мен бу гаплар билан, иккала оёгимиз она тупрокларимизда мустахкам туриб хам янгича (модерн) адабиётни яратса бўлади, демокчиман, холос. Шунда факат эргашувчи ва оловчи бўлиб колмаймиз, балки эргаштирувчи ва берувчи хам бўламиз.

Хар хил ёт гоялар таъсиридан сакланиш ва соглом йўлда собит колиш учун айникса зиёлилар, халкнинг ойдин кишилари, барча ижодкорлар ўзларида химоя кобигини яратиб олишлари керак. Бу кобикни Одам боласига холис имон беради. Имон кўзи билан дунёга боксангиз, дунё ўртадаги хамма пардасини кўтаради, бегона (номахрам)лардан яширган чин юзини бутун чиройи ва маънолари билан сизга очади, бегона (номахрам)ларга кўрсатмаган хакикатини сизга кўрсатади. Ва сиз бирдан ўзингизни хар

кандай зерикишдан, йўлсизликдан, чорасизликдан, ўлчовсизликдан химояланган хис этасиз, каршингизда намоён бўлган маънолардан, гўзалликлардан шундай хайратга тушасиз, шундай завкланаcиз... мана шу хайратдан, мана шу завқдан тугилган адабиёт хакикий ва мумтоз адабиёт бўлади!

Нуруллоҳ Мухаммад Рауфхон